Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • 30 май 1973 йил, чоршанба • № 125 (15.599). • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

БЕШ ЙИЛЛИККА—ЗАРБДОР СУРЪАТ

БУХОРО ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Бухоро области пиллачилари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилида социалистик мусобақани авж олдириб, пилла сотиш давлат планини ошириб бажардилар. Тайёрлаш пунктларига 2500 тоннадан ортиқ сифатли пилла етказиб берилди. Қоракўл, Ромитан, Ғиждувон, Шофиркон районларининг хўжаликлари пилла тайёрлаш планини биринчи бўлиб бажардилар. Бухоро ва Навоий қурт уруғи заводларининг коллективлари зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар.

Қоракўл районидаги «Бухоро», «Москва» колхозлари, Ромитан районидаги Наримонов номли колхоз, «Октябрь 50 йиллиги» совхози, Ғиждувон районидаги Энгельс номли, «Гулистон» колхозлари, Бухоро районидаги «Ленин йўли» колхози, пиллачилик совхози, Вобкент районидаги «Зарафшон», «Ленинград» колхозлари, Свердлов районидаги Киров номли, «Ленинград», Шофиркон районидаги «Ленинобод» колхозлари ипак қурти боқишда катта муваффақиятларга эришдилар. Улар ҳар қути қурт уруғидан 65-70 килограммдан пилла олиб, 60-80 тоннадан пилла топширдилар.

Областдаги донги кетган пиллачилар—Ромитан районидан Ҳамро Олимова, Маъмура Турсунова, Қорўқўл районидан Санам Рўзиева, Ҳамро Хўжамуродова, Ғиждувон районидан Офтоб Бозорова, Нусха Ҳакимова, Бухоро районидан Шарофат Оқиева, Муаззам Наврўзова, Вобкент районидаги Мушарраф Жўраева, Каромат Наимова, Қизилтепа районидан Роҳат Дўстова, Когон районидан Назокат Боқиева, Навоий районидан Муҳаббат Темирова ва бошқа кўпгина илғорлар ҳар қути қурт уруғидан 110-120 килограммдан қимматли хом ашё олишга муваффақ бўлдилар.

Бухоро областининг пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда 800 тонна пилла топширишга аҳд қилдилар.

Сирдарё пиллачиларининг ЗАФАРИ

ГУЛИСТОН. (Телефон орқали). Сирдарё областининг пиллачилари қабул пунктларига пландаги 408 тонна ўрнига, 413 тонна юқори сифатли пилла топшириб, йиллик планни бажардилар. Ҳар қути уруғдан 71 килограммдан пилла олинди.

Беш йиллик пилла тайёрлаш планини тўрт йилда бажариш шиори билан майдонга чиққан Гулистон райони заршунослари социалистик мусобақанинг пешқадами бўлдилар. Гулистонликлар топширидаги 74 тонна ўрнига 90 тонна пилла топшириб, яна 10 тонна пилла топшириш учун курашни давом эттирмоқдалар. Жиззах райони заршунослари 130 тонна пилла етказиб бердилар. Сирдарё, Ворошилов ва Боёвут районларининг пиллачилари ҳам белгиланган планни анча ошириб бажардилар. Областнинг кўплаб моҳир пиллачилари ҳар қути уруғдан 100-120 килограммдан «кумуш тола» етиштиришга муваффақ бўлдилар. Мирзачўлдаги қўриқ совхозларнинг меҳнаткашлари бу йил биринчи марта пилла қурти боқиб, областнинг «кумуш тола» хирмошига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Область пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 100 тонна «кумуш тола» топшириш мажбуриятини олдилар.

ПЛАН—250 ПРОЦЕНТ

Бахмал районидаги «Гулбулоқ» совхозининг паррандабоқарлари зафар қучдилар. Хўжаликда тухум тайёрлаш йиллик топширигн 250 процент адо этилди. Товуқбоқарлардан ака-ука Ҳамдам билан Келдибек Норқуловлар пландан ташқари 24 минг дона тухум тайёрлашга муносиб улуш қўшдилар.

Н. ХОЛБУТАЕВ.

ҒОЛИБЛАР

ФОРИШ, [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Область жун қиркувчиларининг кўрик-конкурсида райондаги Киров номли совхоз чўпони Ислом Назаркулов биринчи ўринни эгаллади. У қўйларнинг жунини электр аппаратлари билан жуда тез ва тоза қиркишда намуна кўрсатди. Иккинчи ва учинчи ўринларни «Қизил чорвадор», «Зомин» ва «Чимқўрғон» совхозларининг чўпонлари эгалладилар. Конкурс ғолиблари республика жун қиркувчилари кўригида иштирок этиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

С. НУРОВ.

ГЕКТАРИДАН 40 ЦЕНТНЕР

ДЎСТЛИК. (Сирдарё области). Ленин номли совхозда биринчи беда ўримида ҳар гектар ердан қирқ центнер пичан ўриб олинди. Бу — Мирзачўлда ўт ўришидаги ҳозирги энг юқори натижадир. Деҳқонлар мавсум давомида бедани тўрт-беш марта ўриб олишни мўлжалламоқдалар.

Совхозда чорвачилик ривожлантирила бошлаганига икки йил бўлди. Бу ерда чорвачиликни ривожлантириш учун яхши ем-хашак базаси ташкил этилган. 1.5 минг гектар майдонга кўп йиллик ўт, бир неча юз гектар ерга маккажўхори ва илдиз мева экилган.

ПЛАН ЮЗ—ЁРУҒ ЮЗ

Фарғона райони чорвадорлари давлатга 1900 тоннадан зиёд сут топшириб, ярим йиллик планни ошириб бажардилар. Бу, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 210 тонна кўпдир. Зафарга «Коммунизм», Дмитров номли колхозлар ва Усмон Юсупов номли совхоз «оқ чашма» ижодкорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Районда иккинчи ярим йил ҳисобига сут топшириш давом этяпти.

Э. ОТАБОЕВ.

* * *

Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози давлатга 49 тонна ўрнига 52 тонна гўшт сотиб, йиллик планни ошириб бажарган эди.

Колхоз бўрдоқибоқарлари шу кунларда район хўжаликларига сотиш учун 50 бош эртли бузоғини, мажбурият ҳисобига гўшт-га топширилган 25 қорамолни тўйимли озуқа рациони билан парвариш қилишаётир.

Ю. ЗИЕДОВ.

ПИЛЛА—ДАВЛАТГА

Республика областларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 29 майга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	20,1	99,6
Сурхондарё	10,1	92,5
Сирдарё	18,2	88,6
Тошкент	9,9	80,6
Наманган	17,6	78,3
Қашқадарё	8,5	68,1
Фарғона	11,8	35,8
Хоразм	5,9	12,2
Андижон	7,5	11,9
Самарқанд	6,2	9,9
ҚҚ АССР	—	—
Республика бўйича:	11,1	46,9

БУХОРО областининг пиллачилари давлатга 2500 тонна пилла топшириб, йиллик планни бажардилар. Суратда: (чапдан) ҳар қути қурт уруғидан 125-130 килограммдан пилла етиштирган «Ленинизм» колхозининг илғор пиллачилари Муқаддас Жўраева ва Назира Юнусовалар.

Б. Мўминов фотоси, (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ҒАЛЛА ЎРИМИ—ЖАНГОВАР ВАЗИФА

ЧИРОҚЧИ РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ СОВХОЗНИНГ ДОН ҲОСИЛИНИ ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ВА НОБУД ҚИЛМАЙ ЎРИБ-ЙИҒИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ИШЛАБ ЧИҚҚАН ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз деҳқонлари дон етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалик ҳодимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бу йил ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олишди. Коллективнинг фидокорона меҳнати натижасида далаларда дон етиштиришни пландагидан 10 минг тонна кўпайтириб, 31 минг тоннага етказиш имконини берадиган мўл ғалла ҳосили тўпланди.

Совхоз КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1973 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва тайёрлашни таъминлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига жавобан дон ўримини намунали ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқди. Ғалла ҳосилини 20 иш кунида ўриб-йиғиб олиш, давлатга 20 минг тонна ёки 2,5 йиллик план миқдорида дон сотиш, зарур миқдордаги уруғлик ва ем фондларини ғамлаб олиш белгиланди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхознинг дон ҳосилини қисқа муддатларда ва нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларини маъқуллади.

Область, район партия комитетлари, хўжаликларнинг бошлангич партия ташкилотларига Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз тадбирларини батафсил муҳокама қилиб, ҳар бир галлакор колхоз ва совхозда ғалла ҳосилини қисқа муддатларда ва нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди.

Республика газеталарининг редакциялари, Узбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети дон ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлашни намунали ўтказиш учун бошланган социалистик мусобақа қандай бораётганлигини муфассал ёритиб туришлари керак.

Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз ТАДБИРЛАРИ

Дон етиштиришни кўпайтириш беш йиллиннинг энг асосий проблемаси эканлиги КПСС XXIV съездида таъкидлаб ўтилди. Совхозимиз меҳнатчилари съезд қарорларини йил сайин кенгайтирмоқдалар. уларнинг ҳосилдорлигини оширмоқдалар, ялпи дон ҳосилини кўпайтирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1973 йилда дон ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ совхоз меҳнатчилари тўққизинчи беш йиллиннинг учинчи, ҳал қилувчи йили учун янада юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. улар ламмикор ерларда ҳосилдорликни бўлтургидан тўрт центнер кўпайтириб, гектар бошига ўн икки центнерга етказишга, жами 31 минг тонна, яъни планда белгиланганидан 10 минг тоннадан зиёд кўп дон етиштиришга, давлатга пландаги 8 минг ўрнига кўмида 20 минг тонна ғалла топширишга, зарур миқдордаги уруғлик ва емни ғамлаб олишга сўз бердилар. Илғор бригадалар бундан ҳам каттароқ мажбуриятлар олишди. Чунончи, Хушназар Расулов, Хуррам Жўрабоев, Абрай Екубов бригадалари гектар бошига 14-15 центнердан дон олишга қарор бердилар.

Совхоз ғаллакорлари олинган мажбуриятларни бажариш учун баланд рух билан курашмоқдалар. Асосий ғаллазорларга — 24800 гектар ерга кузги ғалла энг яхши агротехника муддатларида ва юқори сифатли қилиб экилган. Кўкламда пландан ташқари 1000 гектар ерга баҳори ғалла экилди, бу эса ғаллазорларни 25800 гектарга етказиш имконини берди. Кузги ғаллазорларнинг ҳаммаси юқори сифатли қилиб бороналанди. 3500 гектар ғаллазорга минерал ўғит солинди. Минг гектардан ортиқ ғаллазор қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши дориланди. Натижада ғалла яхши ўсмоқда, ваъда қилинган миқдордаги ҳосил етилмоқда.

Лекин ҳосилни етиштириш ишнинг ярмиси ҳисобланади. Ҳосилни ўз вақтида ва нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиб, омборларга ғамлаб қўйиш — энг асосий вазифадир. Совхоз деҳқонлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1973 йил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва тайёрлашни таъминлаш тадбирлари тўғрисидаги қарорига жавобан қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқдилар.

Ғалла ўрим-йиғими ва давлатга дон топшириш мажбурияти 20 иш кунида бажарилади. Совхоздаги 98 та комбайннинг ҳаммаси пухта ремонтдан чиқарилди ва икки сменада ишлатиш учун механизаторлар билан таъминланди. Уларнинг ишини группа усулида ташкил қиламиз. Жами учта группа тузилади. Ҳар бир агрегат билан кунига камида 13 гектар, мавсумда 265 гектар ғалла ўриб-йиғиб олинишини таъминлаймиз. Тажрибали комбайнчиларимиздан Жуман Лапасов, Хурсанд Хушиев, Абдурасул Жавлиев, Облоёр Обломуродов, Эргаш Қулбуров, Ҳолмир Аҳмедовлар ҳар бири 500 — 600 гектар ғалланы ўриб-йиғиб беришга қарор қилдилар.

Комбайнларнинг узлуксиз ишлаши ва донни хирмонга ўз вақтида юбориб туриш учун ҳар икки агрегатга биттадан юк автомашинасини бириктириб қўямиз, ҳар бир группа учун биттадан кўчма ремонт бригадаси, иккитадан бензовоз ва биттадан ёнилғи қуйиш агрегати ажратамиз.

Давлатга топшириладиган дон совхоз хирмонларида тозаланиб, кондицияга етказилади. Шу максад учун ҳозиргача учта дон тозалаш пункти, 15 та дон тозалаш машинаси шай қилиб қўйилди. Тозаланган донни ҳар куни 160 та автомашина давлат пунктига ташиб туради .

Ҳамма комбайнлар ёнинга қарши асбоб-ускуналар билан таъминланган, ғаллазорларнинг атрофи ҳайдаб қўйилмоқда. Ўрим-йиғимда ишловчи механизаторлар ёнинга қарши хавфсизлик қоидалари билан таништирилган.

Ғалла ўриб-йиғиб олиниши билан поҳолни йиғиштиришни ташкил қиламиз. Бу ишга 6 та поҳол йиғувчи пресс, 70 та трактор аравачаси, 20 та автомашина, 7 та поҳол ортувчи механизм ажратиб берамиз. Ҳаммаси бўлиб камида 25 минг тонна поҳол тайёрлаймиз.

Ўрим-йиғим илғорларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилди. Ўрим-йиғимда энг яхши кўрсаткичларга эришган бўлимларга топшириш учун кўчма Қизил байроқ, шунингдек комбайнчиларни ва автомашина шоферларини мукофотлаш учун вимпеллар таъсис этилди. Ҳар беш кунлик иш якунида байроқ ва вимпел билан бирга пул мукофотлари ва қимматли совғалар бериб турилади.

Коммунистлар билан комсомоллар ўрим-йиғимда актив қатнашадилар. 110 коммунист ва 260 комсомол бевосита даланинг ўзида ишлайди. Халқ контроли группалари ва «Комсомол прожектори» ишини активлаштиряпмиз, деворий газеталарни ва жанговар варақаларни мунтазам равишда чиқариб туришни йўлга қўямиз.

Оммавий-сиёсий ишларни кучайтирамиз, барча агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ва сиёсий докладчиларни, «Билим» жамиятининг аъзоларини бу ишга жалб қиламиз, ғаллакорларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаймиз. Ўрим-йиғимда ва дон тайёрлашда ишловчи ҳамма кишилар учун иссиқ овқат ташкил қиламиз. хўл мева билан таъминлашни йўлга қўямиз. Кўчма вагончаларга телевизорлар ва радиоприёмникларни қўямиз, қизил бурчаклар, кутубхоналар ва дорихоналар ташкил этамиз. Ҳар бир вагонча ёнида душхона бўлади. Ғаллакорлар учун ҳафтасига икки марта кинофильм қўйиб беришни уюштирамиз.

Совхоз дирекцияси билан партия комитети ўзларининг бутун ташкилотчилик ишларини дон ҳосилини ўриб-йиғиб олиш кампанияси даври учун белгиланган тадбирларни муваффақиятли суратда амалга оширишга қаратадилар.

Тадбирлар совхоз коллективи йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

Ҳурмат тахтаси

Пилла тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтасига ёзиладилар.

Бухоро области (область партия комитетининг секретари **Қ. Муртазоев**, область ижроия комитетининг раиси **Ш. Хайруллаев**, область комсомол комитетининг секретари **И. Бўриев**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Ж. Раҳимов**).

Сирдарё области (область партия комитетининг секретари **Қ. Аҳмедов**, область ижроия комитетининг раиси **В. Хайдуров**, область комсомол комитетининг секретари **М. Абдураимов**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Ю. Сулаймонов**).

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

28 майда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Миср Араб Республикаси ташқи ишлар министри М. Х. Аззиёд ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

Министрлар самимий дўстона вазиятда ўтган учрашув чоғида ҳар икки томини қизиктирувчи муҳим халқаро проблемалар хусусида фикрлашиб олдилар. Яқин Шарқ проблемасини ҳал этиш юзасидан Хавфсизлик Кенгашида бўладиган муҳокама муносабати билан Яқин Шарқдаги аҳволни қараб чиқишга алоҳида эътибор берилди.

А. А. Громико шу куни М. Х. Аззиёд шарафига зиёфат берди.

Самимий дўстона вазиятда ўтган зиёфат чоғида А. А. Громико билан М. Х. Аззиёд нутқ сўзладилар.

Миср Араб Республикаси ташқи ишлар министри М. Х. Аззиёд А. А. Громико шарафига зиёфат берди. (ТАСС).

* * *

Миср Араб Республикаси ташқи ишлар министри Муҳаммад Ҳасан Аззиёд 29 майда Москвадан ватанига жўнаб кетди.

(ТАСС).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЛЕОНИД БРЕЖНЕВ ЖАНОБЛАРИГА

Сизга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилиши муносабати билан энг самимий қутловларимни изҳор қилишим билан ғоят бахтиёрман. Ана шу муносиб мукофот сизнинг доно раҳбар сифатида бажарган ишларингизга, доим кўп куч сарф қилиб, тинчлик ўрнатиш ва озодлик ишини қўллаб-қувватлаш йўлидаги фидокорона курашингизга, шубҳасиз, берилган муносиб баҳодир.

Мен шу муносабат билан дўст Совет Иттифоқи империализмга ва мустамлакачиликка қарши, адолатга асосланган тинчлик ўрнатиш учун курашаётган халқларнинг озодлиги ва мустақиллигини қўллаб-қувватлаш соҳасида ўйнаётган самарали ролини зўр хурсандчилик билан яна бир бор қайд қилиб ўтаман.

Азиз дўстим, сизга самимий табрикларим билан бирга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва олижаноб вазифангизни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар, шунингдек тинчлик ҳамда инсоннинг фароғати йўлида янгидан-янги ютуқларга эришувингизни тилаб изҳор қилган энг яхши истакларимни йўллайман.

Муҳаммад АНВАР САДАТ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВГА

Сизга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилиши муносабати билан ўртоқларча самимий қутлов ва табрикларимизни йўллаймиз. Сизнинг Совет Иттифоқи ленинча тинчлик сиёсатини амалга ошириш соҳасида ҳормай-толмай қилаётган ишларингиз ер курраси дагги барча халқларни империализмга, урушга, ирқчилик ва мустамлакачилик зулмига қарши курашда, тинчлик, миллий озодлик, социализм ишини ва бутун инсониятнинг тараққиётини таъминлаш учун жиддий лаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Сиз КПСС XXIV съездида илгари сурган Тинчлик программаси ва Сизнинг шахсан иштирокингизда музокаралар олиб бориш ва жаҳоннинг турли мамлакатларига сафар қилиш йўли билан бу программанинг амалга оширилаётганлиги тинч-тотув яшаш учун курашга жуда катта ҳисса бўлиб қўшилади ва жаҳон тарихининг боришига зўр таъсир кўрсатмоқда.

Совет Иттифоқининг тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти инсониятни ядро ҳалокатидан қутқазиш ва империалистик агрессия жиноий ҳуружларининг олдини олишга ёрдам бермоқда. Умумий тинчликни сақлаш ва савдо муносабатлари ҳамда бошқа муносабатларни нормаллаштириш учун шарт-шароитлар бўлишини таъминлаш социализмни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига хизмат қилиши билан бирга миллий озодлик йўлидаги курашни, барча мамлакатлардаги ишчилар синфининг социал тараққиёт йўлидаги курашини янада муваффақиятли суратда ривожлантириш учун энг қулай шарт-шароитларни ҳам яратиб беради.

Дарҳақиқат, Сизни табриклашимиз учун кўпгина асосларга эгамиз. Сизнинг тинчликни янада мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб музокаралар олиб бориш ва битимлар тузиш учун Америка Қўшма Штатларига қиладиган муҳим визитингизни биз миллионмиллион кишилар билан бирга табриклаймиз.

АҚШ Компартияси Марказий Комитети номидан энг яхши истакларимизни изҳор қиламиз.

Генри УИНСТОН,
АҚШ Коммунистик партиясининг миллий раиси,

Гэс ХОЛЛ,
АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советидан

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатимизнинг таниқли олими, РСФСР Олий Советининг раиси, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, И. В. Курчатов номли атом энергияси институти директорининг ўринбосари, КПСС аъзоси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Ленин ва Давлат мукофотлари лауреати академик Михаил Дмитриевич Миллионшчиковнинг оғир касаллиндан кейин 1973 йил 27 майда 61 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

М. Д. Миллионшчиковни дафн этишни уюштириш учун В. А. Кириллин (раис), М. В. Келдиш, С. П. Трапезников, Х. П. Пешков, В. В. Биков, А. М. Петросьянц ўртоқлардан иборат составда ҳукумат комиссияси тузилсин.

УЛКАН ЎҚУВ ЙИЛИ

Партия маорифи системасида ўқув йили тугай деб қолди. Тошкент авиация заводида республикада биринчи бўлиб якунловчи машғулотлар ўтказилди.

...Механика цехининг қизил бурчагида марксизм-ленинизм асослари мактабининг тингловчилари тўпланишди. Машғулотни инженер Матвей Иосифович Лопатников ўтказди. Тажрибали пропагандист суҳбатга мастерларни, технологларни, ишчиларни жалб этади. Марксча-ленинча фалсафанинг асосий масалалари юзасидан якунловчи суҳбатлар ўтказилди. Бу суҳбатлар ҳамма пишиқ билим олганлигини, тингловчилар назарини практика билан чамбарчас боғлашга қодир эканликларини кўрсатди.

Бу мактабда ўқув йили аслида танаффуссиз давом этади. Фақат ёз мавсумида ўқиш бошқачароқ тус олади. Шунинг учун ҳам пропагандист ўқув йили муваффақиятли тамомланиши билан тингловчиларни амъанага кўра таблриклаганидан кейин, 28 тингловчининг ҳар бирига ёз мавсумига топшириқлар берганидан ҳеч ким таажжубланган йўқ. Улар келгуси ўқув йили бошланишига қадар рефератлар тайёрлаб қўйишади, бу рефератларда социалистик тузобақанинг ленинча принциплари тўғрисида, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва резервлардан фойдаланиш соҳасида КПСС XXIV съездининг йўл-йўриқлари ҳақида, беш йиллиннинг учинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашга ҳар бир кишининг қўшган шахсий ҳиссаси тўғрисида ҳикоя қиладилар.

Инженер М. И. Лопатниковни завод партия ташкилотида тажрибали мутахассис сифатидагина эмас, айни пайтда пропагандистлик ишини ўзига иккинчи касб қилиб олган коммунист сифатида танишади. М. И. Лопатников севимли ишга ҳар куни бир неча соат вақтини сарфлайди. Бу унинг ўз техникавий ва сиёсий билимини тўхтовсиз такомиллаштиришга халал бермайди. Матвей Иосифович якинда кандидатлик минимумини топшириб, ҳозир эса диссертация ёқлашга тайёргарлик кўрмоқда.

Заводда пропагандистлар отряди ишлаб турибди. Бу отряд қариб 250 кишини бирлаштирган. Бу йилги якунловчи машғулотлар инженер Семён Михайлович Егоров учун ўзига хос юбилей машғулотлари бўлиб қолди. У чорак асрдан буён партиявий ҳаётбахш сўзни оммага етказиб, партия ғоявий меросини пропаганда қилмоқда. Тингловчилар билан якиндан алоқада бўлиш, пропаганданиинг жонли формаларидан фойдаланиш экономика ва ишлаб чиқаришни бошқариш асослари мактабининг раҳбари инженер Абдурауф Абдуғафуров учун ҳам хосдир. У ҳам якунловчи машғулотларни юксак савияда уюшқоқлик билан ўтказишга муваффақ бўлди.

Иқтисодий проблемалар юзасидан семинар тингловчилари ўқув йилини ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисидаги назарий конференция билан тайинладилар. Бу семинарга заводнинг етакчи конструкторларидан бири Владимир Борисович Ульянов раҳбарлик қилади. Якунловчи машғулотларга тингловчиларнинг ўзлари, асосан инженерлар кўргазмали қуроллар тайёрлашди. Сўзга чиққан кишилар Ватан самолётсозлигини янада ривожлантириш масалаларини чуқур ёритиб бердилар.

Марксизм-ленинизм шаҳар университетининг заводдаги филиали да ҳам иктиҳонлардан кейин ўқув йили тугади. Бу ерда шу йил университет филиалини тингловчилар 23-марта битириб чиқадилар. (ЎзТАГ).



Бугун-эртага деҳқонларимизнинг эзгу орзуси рўёбга чиқади. Асрлар оша қақраб ётган, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Қаршининг бепоён чўлига обҳаёт оқиб келади. Чўлқувварлар азми ва заковати билан барпо этилаётган Қарши магистрал канали Амударёдан сув олабошлайди. Қарши дашти келажакда чинакам гуллар водийсига, «оқ олтин» масканига айланади. Сиз ушбу суратда Қарши магистрал каналининг 6-насос станциясини кўриб турибсиз. Бу станцияда шу кунларда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

И. Чернов фотоси.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР ПРОПАГАНДИСТЛАРИ

Ҳар куни Ўзбекистонда олти юз лектор минбарга чиқиб, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида иқтисодий билимлар тўғрисида мароқли лекция ўқимоқда. Ҳозир республикада экономика ва техника тараққиёти билимларини ўргатувчи беш юз халқ университети бор. Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениесининг 28 майда Тошкентда ўтказилган пленумида ана шу маълумотлар тилга олинди. Жамият иқтисодий билимларни пропаганда қилиш республика илмий-методик кенгашининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг директори И. И. Искандаров пленумда доклад қилди.

Пленум илмий-методик кенгашнинг республикадаги илмий-техника жамиятлари ҳамда ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти билан биргаликда иқтисодий билимларни пропаганда қилиш соҳасида олиб бораётган иш тажрибасини маъқуллади. Меҳнат коллективларида иқтисодий ва ишлаб чиқариш конференцияларини тезтез ўтказиб туриш, экономика ва илғор ишлаб чиқариш тажрибаси масалаларига бағишланган лекциялар цикли, иқтисодий мавзуларда кино кечалар уюштириб туриш, лекторийларни кўпайтириш тавсия этилди. (ЎзТАГ).

САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Фан ютуқлари—ишлаб чиқаришга

Ҳозирги вақтда деҳқончилик маданияти даражаси экинларни прогрессив усулларда парвариш қилиш билан белгиланади. Ишлатиладиган минерал ўғитларнинг миқдори, уларнинг сифати, алмашлаб экишнинг турлари, хўжаликларнинг замонавий техника билан таъминланиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тўққизинчи беш йиллик план Директиваларида минерал ўғитларни ишлаб чиқаришда комплексли мураккаб суюқ ўғитларнинг миқдорини кўпайтириш муҳим вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланади.

Эндиликда мамлакатимизда ва чет элларда мураккаб суюқ ўғитларни ишлаб чиқариш ва уни қўлланиш, энг аввало, уларнинг каттик ўғитларга нисбатан кўпрок иқтисодий афзалликларга эга эканлиги катта қизиқиш уйғотмоқда.

Баъзи технология босқичларининг жўнлиги — парлатиш, кристаллаш, қуритиш, коц-қаноларга жойлаштириш ва қўл меҳнати талаб киладиган юк тушириш ва ортиш ишларининг соддалиги туфайли суюқ ўғитларни ишлаб чиқариш жараёни қаттиқ ўғитларни ишлаб чиқаришга нисбатан бирмунча оддийрокдир.

Қишлоқ хўжалигида суюқ ўғитларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш чогида кўпгина каттиқ ўғитларга хос бўлган учиб кетиш, қотиб қолиш, портлаб кетиш хавфи ва шу каби бошқа салбий хусусиятлар батамом бартараф этилди.

Институтимиз илмий ходимлари Қоратов фосфоритларини азот кислотаси ёрдамида қайта ишлаб, СУМ-5-Ж деб аталувчи мураккаб суюқ ўғит олиш усулини ишлаб чиқдилар. Фосфорли ва азотли ўғитлар фосфорли тоғ жинсларини азот кислотаси ёрдамида қайта ишлаш билан кимё маҳсулотларидан тўлиқ ва комплекс фойдаланишга имкон беради. Шунингдек, фосфорли ўғитлар учун керак бўладиган маҳсулотларни кескин кўпайтиради. СУМ-5-Ж ўғитида азот ва фосфор миқдори (ҳар бири алоҳида) 9-11 процентгача бўлади.

Лаборатория ва дала шароитидаги кўп йиллик илмий текширишлар шуни кўрсатадики, суюқ мураккаб ўғитларнинг агрокимёвий хусусиятлари каттиқ ўғитлардан унчалик фарқ қилмас экан. Бунинг натижасини барча маданий қишлоқ хўжалик ўсимликларида кўриш мумкин. 1962 йилда Киров номли, 1-«Пискент» совхозларида, 1965 йилда эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Оққўрғон районидаги илмий-текшириш базасида СУМ-5-Ж дан чигит экишдан олдин бир йиллик ўғит нормасининг 50 проценти, гуллаш даврида эса қолган ярми бериб кўрилди. 1964 йилда «Пискент» совхозининг 242 гектар майдонига мураккаб суюқ ўғит берилиб, гектаридан 27,2 центнердан, каттиқ ўғит сепилган майдондан эса 26 центнердан пахта ҳосили олинди.

Оққўрғон районидаги илмий-текшириш базасига қарашли бир звенода уч йил давомида суюқ мураккаб ўғит ишлатилди, бошқа бир звено эса шу давр ичида фақат каттиқ ўғитдан фойдаланди. Натижада суюқ мураккаб ўғит пахта ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-теширишлар базасининг иқтисодий ҳисобларини кўздан кечирайлик: 1970 йилда суюқ ҳолда 100 килограмм азот ва 100 килограмм фосфорни хўжаликка олиб бориш учун 32 сўм 50 тийин, қуруқ ҳолда эса — 40 сўм сарфланган. Суюқ ўғитни ишлатишга кетган харажатлар каттиқ ўғитга нисбатан 18-20 процент арзонга тушган. Шунингдек, 1968—1972 йиллар да Самарқанд область 1-«Ғаллаорол» совхозида кузги дон экинлари СУМ-5-Ж ўғити билан озиқлантирилганда ҳам ана шундай самарадорлик аниқланди.

Намунали ғаллачилик хўжаликлари ерларни илмий асосда ишлашга катта эътибор бериб келмоқдалар. Бундай хўжаликлар илмий-тадқиқот институтлари ютуқларидан самарали фойдаланиб, йилдан-йилга ҳосилдорликни ошириб бораётирлар. Масалан, 1968 — 1972 йиллар мобайнида 1-«Ғаллаорол» совхозида эрта баҳорда кузги буғдойга самолётдан гектарига 200 килограммдан СУМ-5-Ж сепилди. Бу эса ҳар гектар майдонга 20 килограммдан азот ва 20 килограммдан фосфор миқдорига тўғри келади. Суюқ ўғитга таққослаш мақсадида каттиқ ўғитдан ҳам шунча миқдорда сепилди. Натижалар шуни кўрсатдики, суюқ мураккаб ўғитнинг иқтисодий самарадорлиги ва ҳосилдорлиги юқори экан. Ҳосил кам бўлган 1971 йилда суюқ ўғит ишлатилган майдонларнинг ҳар гектарида қўшимча 1,2 центнердан хирмон кўтарилди.

1972 йилда эса 2354 гектар майдондаги кузги буғдой СУМ 5-Ж билан озиқлантирилганда ҳар гектар ердан 15,64 центнердан, каттиқ ўғит ишлатилган майдондан 14,58 центнердан, ўғит сепилмаган майдондан эса 13,44 центнердан ҳосил олинган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги илмий-техника тараққиётига ёрдам берувчи комитет «СУМ-5-Ж» ўғитининг кўп йиллар давомида берган натижаларига асосланиб, 1972 йилнинг март ойидан бошлаб ана шу ўғитни қишлоқ хўжалигида босқичли равишда қўлланишни таклиф қилди.

М. АСҚАРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти директори, профессор.
А. КИСИЛЕВ,
агрохимия лабораториясининг мудири.
Э. ЗИЯМУҲАМЕДОВ,
катта илмий ходим.

РАСМИЙ АХБОРОТ

Лойиҳа ва смета ишлари экспертизасини яхшилайлик

СССР Министрлар Совети «Корхона, бино ва иншоот қурилиши (реконструкцияси) лойиҳаси ва сметасини экспертиза қилишни яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда айтилади, лойиҳа ва сметаларни экспертиза қилишда жиддий камчиликлар бор. Масалан, экспертизадан ўтган кўпгина лойиҳалар ва сметаларда қурилиш смета нархини белгилашда ошиқча харажатлар ва хом ҳисоблар бор, архитектуравий-планлаш ва техникавий ечимлар замонавий талабларга мувофиқ келмайди, ишлаб чиқариш таннархини арзонлаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш таъминланмайди, хом ашё ва табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни қўриқлаш борасида энг рационал ечимлар ҳамиша ҳам кўзда тутилавермайди, шунингдек лойиҳалаш нормаси ва қоидалари бузилишига йўл қўйилади.

СССР Министрлар Совети қурилишда лойиҳа ва смета экспертиза ишларини яхшилаш мақсадида СССР Госстройи, СССР Министрлар Советининг Фан ва техника давлат комитети, шунингдек СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Совети зиммасига лойиҳа ва смета экспертизасини юксак илмий техникавий даражада ўтказилишини таъминлаш вазифаларини юклади. Токи, мана шу лойиҳалар бўйича қурилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар уларни ишга тушириш вақти келганда техника жиҳатидан илғор ҳамда меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш таннархи ва маҳсулот сифати жиҳатидан юксак кўрсаткичларда, меҳнат шароитларига кўра, замонавий талабларга мос келадиган ва янги маҳсулот турлари чиқаришни таъминлайдиган бўлиши лозим.

Қурилиш лойиҳалари ва сметаларини ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш ва тасдиқлаш билан бевосита алоқадор мансабдор кишилар шу лойиҳа ва сметалар тўғри ишлаб чиқилиши ва улар экспертизадан ўтказилиши учун, лойиҳа ва сметалар тасдиқланиши учун шахсан жавобгардирлар. Бу лойиҳа ва сметаларда фан ва техниканинг энг янги ютуқлари назарда тутилмоғи, юксак техникавий иқтисодий кўрсаткичлар, корхона, бино ва иншоотларнинг пухталиги, хавфсизлиги ва кўпга чидаши, замонавий талабларга мос келувчи қурилиш, меҳнат шароитлари иқтисодий самарадорлиги кўзда тутилмоғи, шунингдек, қурилиш-смета нархи тўғри белгиланмоғи лозим.

СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари экспертизадан ўтказувчи бўлинмаларни юқори малакали мутахассислар билан таъминламоқлари, министрликлар ва идораларнинг лойиҳа ва сметаларни кўриб чиқувчи коллегиялари ва илмий-техникавий кенгашлари ишини яхшиламоқлари, бу ишга олимларни ва энг малакали мутахассисларни кенг қўламда жалб қилмоқлари лозим.

СССР Госстройи корхона, бино ва иншоотлар қуриш учун СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари тасдиқлайдиган лойиҳа ва сметалар сифатини таҳлил назорат қилиб туришини кенгайтириш керак.

Ёрдамчи корхоналар ва промиселларда

СССР Министрлар Совети «Қишлоқ хўжалигидаги ёрдамчи корхоналар ва промиселлар фаолиятини тартибга солиш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарорида колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва колхозлараро ташкилотларда ёрдамчи корхоналар ва промиселларни ривожлантириш борасида кейинги йилларда кўрилган тадбирлар қишлоқ хўжалигида мавсумий ортиқча ишчи кучларидан, моддий ва хом ашё ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга имкон берганлигини таъкидлади. Хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, маҳаллий бинокорлик материаллари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришдаги фаолияти активлашди.

Аммо ёрдамчи корхоналар, промиселларни ташкил этишда ва уларнинг фаолиятида жиддий хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бир қанча ҳолларда колхоз ва совхозлар очаётган корхоналар ўз характери жиҳатидан ёрдамчи корхона бўлмай уларда ишлаш учун саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган бошқа корхоналардан ишчилар жалб қилинмоқда. Шу ходимларга одатда тўланаётган иш ҳақи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаларидаги меҳнатга берилаётган ҳамда саноатдаги, худди шундай корхоналарда меҳнатга берилаётган ҳақдан ошиб кетмоқда. Колхоз ва совхозлар ёрдамчи корхоналари учун фонд билан бериладиган камчил материалларни қонунга хилоф равишда харид этиш формалари кўпайиб кетди. Баъзи колхоз ва совхозларда ёрдамчи корхоналар, промиселлар тайёрлаган маҳсулот нархи ошириб юборилмоқда. Ёрдамчи корхоналарнинг иши тегишинча назорат қилиб борилмаётир.

СССР Министрлар Совети республикалар Министрлар Советларига, ўлка, область ижроия комитетларига ҳамда СССР қишлоқ хўжалиги министрлигига, колхозлар, совхозларда ҳамда ушбу қарорда қайд этилган бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва колхозлараро ташкилотларда ёрдамчи корхоналар ва промиселларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятидаги камчиликлар, бузилишларни йўқотиш ҳамда колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида, колхозлараро ташкилотларда асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган ва сақлайдиган, маҳаллий ҳом ашёдан қурилиш материаллари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ёрдамчи корхоналар ва промиселларни янада ривожлантириш чораларини кўришни топширди. Бундай корхона ва промиселлар йил мобайнида меҳнат ресурсларидан янада тўла ва бир маромда фойдаланишга ҳамда хўжаликларнинг экономикасини мустаҳкамлашга, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ёрдам бермоғи лозим.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва колхозлараро ташкилотлардаги ёрдамчи корхоналар ва промиселлар фаолиятига қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлигини яхшилаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишлари лозим. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига Союзсельхозтехникага ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига қишлоқ хўжалигидаги ёрдамчи корхоналар ва промиселларнинг техникавий таъминот даражаси оширишини таъминлаш, машина ускуналарни ўз вақтида янгилаб туриш, шунингдек мана шу ишлаб чиқаришларда банд бўлган колхозчилар ва совхоз ишчиларининг малакасини оширишни таъминлаш вазифалари топширилди.

Шу ёрдамчи корхоналар ва промиселлар учун зарур материал, хомашё ва машина-ускуна ажратилишини планларда кўзда тутишга қарор қилинди.

Ёрдамчи корхоналар ва промиселлар маҳсулотининг улгуржи нарх-навосини, шунингдек мана шу корхоналарда банд бўлган ишчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақларни тартибга солиш чоралари ҳам белгилаб чиқилди.

Колхозларда мактабгача тарбия муассасаларини кўпайтирайлик

СССР ҳукумати «Колхозларда мактабгача тарбия муассасаларини янада кўпайтириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Колхозчилар болаларнинг мактабгача тарбиясини яхшилаш мақсадида иттифоқдош ва Автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва унинг жойлардаги органлари қуйидаги ишларни қилишсин: яқин йиллар ичида колхозчиларнинг мактабгача тарбия муассасаларига бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондирмоқ учун колхозларда мактабгача тарбия муассасаларини кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилсин;

Колхозларда мавжуд мактабгача тарбия муассасаларининг ишини яхшилаш, уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда санитария гигиена шароитларини яхшилаш тадбирлари кўрилсин;

Колхозлардаги мактабгача тарбия муассасаларини (колхоз маблағлари ҳисобидан) зарур ускуна, асбоб, идиш, ўйинчоқ, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш яхшилансин ҳамда колхозлардаги мактабгача тарбия муассасаларини белгиланган нормалар бўйича юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўхтовсиз таъминлаб турилсин.

Колхозларга доимий ясли, яслибоғча ва болалар боғчаларининг медицина ва педагогик ходимлари (колхоз аъзолари) меҳнатига тўланадиган ҳақни, иш куни давомати ва отпуск муҳлатини давлат мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг шу категориялари учун мўлжалланган миқдор ва тартибда белгилаб қўйиш ҳамда шу муассасаларнинг педагогика ва медицина ходимларини бепул квартира ва коммунал хизматлар билан таъминлаш тавсия этилди.

Колхозлардаги мактабгача тарбия муассасаларининг олий ва ўрта махсус таълим олган мудирлари, мураббийлари, музика раҳбарлари ва медицина ходимларига (колхоз-аъзолари) колхоз раислари, мутахассислари ва механизаторлари учун кўзда тутилган давлат пенсия таъминоти ва социал страхованиеси шартлари татбиқ этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари колхозларнинг маблағлари ҳисобига қуриладиган ясли, боғчаларни моддий-техника ресурслари билан таъминлашлари, шунингдек колхозларнинг территорияларида пай асосида мактабгача тарбия муассасаларини қуриш учун маблағларни бирлаштириш тўғрисидаги масалаларни ҳам ҳал этишлари керак. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЕЗУВЧИ А. М. ИВАНОВНИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиёти соҳасидаги хизматлари учун ёзувчи Андрей Митрофанович Иванов «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил, 28 май.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг май сони РСДРП II съездининг 70 йиллиги тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг қарори ва «Партия ҳужжатларини алмаштириш давом этмоқда» сарлавҳали редакцион мақола билан очилади.

«Идеология иши» рубрикаси остида Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари Б. Абдураззоқовнинг «Партия ва совет давлатининг халқаро фаолиятини кенг пропаганда қилинмоқда», тарих фанлари кандидати Ш. Бердиевнинг «Меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялашнинг муҳим соҳаси», Ўзбекистон КП Фарғона область комитетининг секретари Р. Қосимова билан Тошкент политехника институтининг ўқитувчиси Ж. Юнусоваларнинг «Меҳнаткашларни атеистик рухда тарбиялашда табиий — илмий билимлар пропагандаси», Ўзбекистон ССР прокурорининг биринчи ўринбосари В. Зотовнинг «Қонун ҳамма учун мажбурий» сарлавҳали мақолалари ёритилган.

«Партия қурилишининг назарий ва практикаси» рубрикаси остида Ўзбекистон КП Ильич район комитетининг биринчи секретари А. Абдушоҳидовнинг «Мутахассислар — таянчимиз ва зарбдор кучимиз», Ўзбекистон КП Хоразм область комитети лекторлар группасининг раҳбари Т. Енгулатовнинг «Коллективнинг тарбиявий роли» сарлавҳали мақолалари берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги олдидан тарих фанлари кандидати С. Гитлиннинг «СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлашда ишчилар синфининг роли» сарлавҳали мақоласи ўрин олган.

Булардан ташқари, «Партия ўқуви системаси пропагандистлари ва тингловчиларига ёрдам», «Халқаро темаларда», «Танқид ва библиография» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материаллар ни ўқиш мумкин.

ТАШАББУСКОРЛАР ИЗИДАН

Бухородаги «Октябрь 10 йиллиги» пиллакашлик фабрикасининг коллективи шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам ғайрат ва шижоат билан ишламоқда. Барча цех ва участкаларда ижодий меҳнат авж олган. Меҳнатсевар пиллакашлар беш йиллик топшириқларини барвакт бажариш учун Бутииттифоқ социалистик мусобақасига кўшилиб, қадам-бақадам юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар. Улар тўққизинчи беш йиллиннинг ҳал қилувчи, учинчи йили учун белгиланган марраларни эгаллаш йўлида барча имконият ва резервлардан, илғорлар тажрибаси ва техникадан унумли фойдаланмоқдалар. Чунки бу йил фабрика коллективи ҳар йилдагидан кўра юксакроқ маррани эгаллашга аҳд қилган.

Чунончи, улар ҳал қилувчи йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми бўйича белгиланган топшириқни муддатидан олдин ошириб бажариш, 193 тонна ипак калаваси етказиб бериш, пландан ташқари камида 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилишган. Бундан ташқари, маҳсулот таннархини планда кўрсатилганига нисбатан 30 минг сўмга камайтириш, камида 28 минг сўмлик иқтисодий фойда берувчи 48 та рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун қизғин курашмоқдалар.

Бухоро пиллакашлари Тошкент ва Марғилоннинг илғор тўқувчиларидан ташқари, ўз устларига қўшимча янги шахсий мажбуриятлар олишган эди.

— Биз илғор тўқувчиларнинг янги ватанпарварлик ҳаракатларига дарҳол қўшилдик,—дейди фабрика тўртинчи автоматика цехининг илғор пиллакаши Мунира Отамқулова, — чунки улар бошлаган янгича ишлаш усули биз учун ҳам ниҳоятда фойдали эканлиги яққол кўриниб турар эди.

Шундай ҳам бўлди. Мунира Отамқулова одатдаги учта дастгоҳ ўрнига олтита дастгоҳда ишлашга ўтди. Тўғри, аввалига иш юришмай тургандай туюлса-да, кейинчалик жуда яхши натижа берди. Ҳаммадан шуниси қувончли бўлдики, олтита дастгоҳда ҳам ишлаш мумкин эканлиги амалда исботланди. Меҳнат унумдорлиги ошди, кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Фабрикаининг бу жонкуяр ишчиси ўз устига олган шахсий беш йиллигини ҳозирги кунда шараф билан бажаришга эришди. Эндиликда у 1976 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Фабрикада бундай пешқадам, жонкуяр ишчилар кўп. Биринчи участка пилла тортувчиси Тамара Қурбонова ҳозир шахсий беш йиллик топшириғини бажариш арафасида турибди. У ҳам Мунира Отамқулова сингари уч дастгоҳ ўрнига 6 дастгоҳда ишлашга кўчганлиги натижасида ана шундай ютуқларга эришмоқда.

Иккинчи участка пилла тортувчиси, партия XXIV съезди делегати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Муҳаррам Омонова ҳам коллективнинг фахри ҳисобланади. У ҳам доимо илғорлар сафида туриб, ишлаб чиқариш планларини ортиғи билан бажариш йўлида бошқаларга намуна бўлмоқда. Унинг мусобақадоши Холида Субҳонова ҳам Муҳаррам Омонова сингари шахсий беш йиллик топшириқларини бажариш арафасида турибди.

Республикамиз тўқимачилик саноати илғорларининг ташаббусига қўшилган ишчиларнинг сони ҳозир фабрикада 150 дан ҳам ортиб кетди. Улар ўз устларига оширилган мажбурият олиб уни бажариш йўлида ҳормай-толмай ишламоқдалар.

Фабрикада илғорлар сафи тобора кенгаймоқда. Ҳозирги кунда фабрикада 70 дан ортиқ пиллакаш бу йилги планни бажариш олдида турибди, 40 дан ортиқ киши 1974 йил ҳисобига ишламоқда. 30 дан ортиқ ишчи 1975 йил ҳисобига маҳсулот етказиб бермоқда.

Корхонада Тошкент тўқимачилик комбинати ҳамда Марғилон ипак комбинатида бўлгани сингари илғор тажриба мактаблари ишга бошлаган. Буларга фабрикаининг илғор ишчилари раҳбарлик қилишмоқда.

Суратда: Ўзларининг шахсий беш йиллик планларини бажариш арафасида турган иккинчи участка пилла тортувчилари Холида Субҳонова ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Муҳаррам Омоновалар.

Б. Мўминов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Михаил Дмитриевич МИЛЛИОНЩИКОВ

Совет фани оғир жудоликка учради. Улкан совет олими коммунист, РСФСР Олий Совети Раиси, СССР Фанлар академияси вице-президенти, И. В. Курчатов номли атом энергияси институти директорининг ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва давлат мукофотлари лауреати, академик Михаил Дмитриевич Миллионщиков оғир касалликдан кейин 1973 йил 27 майда 61 ёшида вафот этди.

Атоқли олим ва таниқли жамоат арбоби, совет фанининг талантли ташкилотчиси, тинчлик ва қуролсизланиш йўлида олимлар ҳаракатининг актив иштирокчиси, ўзининг бутун ҳаётини Ватанга, коммунизм қуриш улуғ ишига бағишлаган ажойиб кишининг юраги тепишдан тўхтади.

М. Д. Миллионщиков 1913 йил 16 январда Грозний шаҳрида туғилди. 1932 йилда Грозний нефть институтини битириб, М. Д. Миллионщиков мамлакатимизнинг ривожланаётган нефть саноати эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ бўлган нефть ва газ фильтрацияси проблемаларини тадқиқ эта бошлади. Шундан кейин Москва авиация институти аспирантурасида ўқишни давом эттириб, уни 1938 йилда тамомлади. Кейин шу институтда ва бошқа илмий-тадқиқот муассасаларида ишлади. М. Д. Миллионщиков турбулентлик ҳаракати ва амалий нефть динамикаси назарияси соҳасида муҳим тадқиқотлар қилди, классик турбулентлик назариясидаги бир қанча йирик натижалар унга мансубдир.

М. Д. Миллионщиков 1949 йилдан бошлаб И. В. Курчатов номли атом энергияси институтида бўлим мудири, институт директорининг ўринбосари бўлиб ишлади. Механика ва амалий физика соҳасидаги мутахассис сифатида у ўзининг билимларини, ташкилотчилик қобилиятини атом энергиясидан фойдаланиш проблемаларини ҳал этишга бағишлади. У совет атом фани ва техникасини вужудга келтиришда юксак ҳароратли энергетикани ривожлантиришга, ядро энергиясида бевосита электр қуввати ҳосил қилиш методларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди. 1953 йилда М. Д. Миллионщиков СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, 1962 йилда СССР Фанлар академиясининг академиги ва вице-президенти қилиб сайланди. Мазкур лавозимларда туриб, у Ватанимиз фанини ташкил этишнинг муҳим вазифаларини амалга оширишга, илмий кадрларни тайёрлашни такомиллаштиришга, илмий приборсозликни янада ривожлантиришга, СССР Фанлар академиясининг янги илмий марказларини ташкил этишга, иттифоқдош республикаларда фанни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

М. Д. Миллионщиков ўттиз йилдан кўпроқ вақт давомида олий ўқув юртларида дарс берди, ёш илмий ходимларнинг ишига раҳбарлик қилди. Бу ёшлардан кўплари кейинчалик машҳур олимлар сафига қўшилдилар.

М. Д. Миллионщиков гоят қизиқувчан ва илмий тафаккури теран киши эди, у чуқур принципиаллик ва талабчанликни бир-бири билан маҳкам боғлаган, самимий хайрихоҳлик фазилатларига эга эди. Катта илмий, илмий-ташкилий ва педагогик фаолият билан бир қаторда М. Д. Миллионщиков улкан давлат ва жамоатчилик ишини ҳам олиб борар эди. У кўп йиллар мобайнида РСФСР Олий Советининг депутати эди. 1967 йилдан бошлаб РСФСР Олий Советининг Раиси эди. У, халқаро кескинликни камайтириш ва қуролсизланиш учун олимлар кураши халқаро пагуош ҳаракатида актив иштирок этиб, 1964 йилдан бошлаб совет Пагуош комитетининг раиси бўлди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати М. Д. Миллионщиковнинг илмий, педагогик ва жамоат фаолиятига юксак баҳо бердилар. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди, беш марта Ленин ордени билан, Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланди. Унинг гоят катта хизматлари СССР Ленин мукофоти ва давлат мукофотлари билан тақдирланди.

М. Д. Миллионщиков фан соҳасидаги кўп қиррали фаолияти туфайли халқаро илмий жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлди. У ГДР Фанлар академиясининг аъзоси ва Америка санъат ва фан академиясининг фахрий аъзоси қилиб сайланди, чет мамлакатларнинг бир қанча мукофотларига сазовор бўлди.

Ажойиб инсон, улкан олим ва фан ташкилотчиси, ёш совет олимларининг мураббийси, Ватанимизнинг содиқ фарзанди тўғрисидаги порлоқ хотира совет кишилари қалбида абадий сақланади.

Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, М. В. Келдиш, В. А. Кириллин, Н. К. Байбаков, Л. В. Смирнов, С. П. Трапезников, И. Д. Сербин, А. П. Шитиков, Е. С. Насриддинова, М. А. Яснов, В. П. Елютин, С. А. Зверев, С. А. Оруджев, К. Н. Руднев, Е. П. Славский, В. Д. Шашин, И. М. Макаров, В. Ф. Промислов, А. М. Петросьянц, А. П. Виноградов, В. А. Котельников, П. Н. Федосеев, М. А. Лаврентьев, Ю. А. Овчинников, Б. Е. Патон, Г. К. Скрябин, А. П. Александров, Н. Г. Басов, Н. Н. Боголюбов, П. Л. Капица, М. А. Марков, Б. Н. Петров, А. М. Прохоров, М. А. Стирикович, В. М. Тучкевич, А. Н. Колмогоров, Ю. Б. Харитон, Е. П. Велихов.



Оҳангарон районидаги Тошкент от заводи коллективи чорва қишловига пухта замин яратмоқда. Далаларда ўт ва беда ўриш қизғин. Урилган беда сўлитилиб, сенаж қилинмоқда. Бу иш асосан механизаторлар зиммасига юклатилган. Улар ўз агрегатларини унумли ишлатмоқдалар. Суратларда: (чапда) илғор механизаторлар Маннап Ҳунаров ва Анорбой Исомиддинов, (ўртада) беда ўриши. Ўнгда эса майдаланган беда механизмлар ёрдамида ўраларга ташилаётган пайт.

И. Глеуберзон фотолари.

Планетамиз ХАБАРЛАРИ

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ШВЕДТ — ЛОЙНА НЕФТЬ ҚУВУРИ ИШГА ТУШДИ

◆ БЕРЛИН. 360 километрли Швед—Лойна нефть қувуридаги тўртта насос станциясининг сўнгиси ишлай бошлади. Бу магистралнинг яратилиши социалистик мамлакатлар ҳамкорлиги натижасидир. Нефть қувури учун арматурани ЧССР корхоналари, қувурлар учун пўлат заготовкани Совет Иттифоқининг заводлари етказиб берди, нефть қувурини эса халқ Польшасидан борган мутахассислар ётқизишди.

Швед—Лойна трубопроводи «Дўстлик» нефть қувури билан бирлаштирилди. «Дўстлик» нефть қувури бўйлаб Волга соҳиллари ва Сибирдан Германия Демократик Республикасига «қора олтин» юборилмоқда. Галле ва Лейпциг химия комбинатлари «Дўстлик» нефть қувуридан олинаётган нефтни қайта ишлаб пластмасса, ёғлиғи, сурков мойлари, синтетик тола, қишлоқ хўжалиги учун ўғитлар олмоқда.

КОСМИК АЛОҚАЛАР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛМОҚДА

◆ ВАРШАВА. Польша шу беш йилликдаёқ йўлдошлар орқали алоқанинг замонавий системасидан фойдаланаётган мамлакатлар қаторига киради.

Польшадаги биринчи йўлдошлар орқали алоқа станцияси Свентошис тоғи районида қурилади. Станция совет мутахассисларининг техникавий ёрдамида барпо этилаётир.

Станцияни қуриш билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ишлари якунловчи паллага кирди. Бўлажак станция қуриладиган жойда геологик ва геодезик ишлар олиб борилмоқда. Станциянинг барча техника ускуналарини Совет Иттифоқи етказиб беради.

Йўлдошлар орқали алоқа системаси, жумладан «Интервидение» доирасида телевидение программаларини айирбошлашни яхшилашга, шунингдек Монголиядан тортиб Кубагача ўзилган территорияда халқаро телефон ва телеграф алоқаси имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙ БЎЛСИН ДЕБ

БУХАРЕСТ. Руминия пойтахти ва мамлакатдаги ўн иккита бошқа шаҳарларнинг телефон шаҳобчаси йил бошидан бери камида 29 минг телефон точкасига кенгайди. Шу вақт ичида учта янги станция қурилди ва мавжуд 14 та телефон станциясининг қуввати бир мунча кўпайтирилди.

Шаҳарлараро автомат телефон алоқасининг ишлаш қобилияти ҳам оширилмоқда. Яқинда унга Орадь шаҳри уланди.

Қора денгизнинг Олимп, Юпитер, Нептун, Монголия, Эфория туристик комплексларида зарур ускуналарни монтаж қилиш тугаллаяпти. Бу ерда дам олувчилар шу мавсумдаёқ шаҳарлараро автомат телефон алоқаси хизматидан фойдалана олядилар.

Руминияда йил охирига қадар яна еттита янги шаҳар телефон станцияси қурилади ҳамда Слатина, Крайова, Плоешт ва бошқа шаҳарлардаги станциялар бир муяча кенгайтирилади.

ИШЧИЛАР СИНФИ САФЛАРИ ЎСМОҚДА

◆ УЛАН-БАТОР. Халқ хўжалиги жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги ва фан-техника тараққиёти ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилаётганлиги муносабати билан Монголия ишчилар синфи йилдан-йилга ёш малакали кадрлар билан тўлдирилиб бормоқда. Фақат 1966—1970 йилларда 12 мингдан ортиқ киши ҳунартехника билим юртларини битириб чиққанлиги тўғрисида диплом олди, 14 минг киши янги касбни ўзлаштирди ва 30 мингдан ортиқ ишчи ўзининг ишлаб чиқариш малакасини оширди.

Ҳозирги вақтда Монголия ишчиларининг қариб ярмиси олий ва ўрта маълумотга эга, уларнинг кўпчилиги бир вақтда ишламоқда ҳамда кечки мактабларда ва бошқа ўқув юртларида ўқимоқда.

Шу беш йилликда халқ Монголиясининг ишчилар синфи сафларига ёш малакали кадрларнинг 27 минг кишилик отряди қўшилади. Замонавий фан-техника тараққиёти билан баравар бориш учун корхоналарда тўгараклар ўрнига ишчиларнинг малакасини оширувчи уч йиллик курслар очилмоқда.

МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

◆ ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикасининг меҳнаткашлари янги меҳнат муваффақиятларини Хо Ши Мин туғилган кунининг 83 йиллигига бағишламоқдалар.

Хо Ши Мин туғилган Кимлиен қишлоғи жойлашган Нгеан вилоятининг Намдан райони йигит-қизларидан 10 мингдан ортиқ киши муҳим вазифани ҳал этишга — катта майдонларда гектаридан ўн тонна шоли ҳосили етиштиришга ҳисса қўшиш учун мелиорация системаси қурилишида зўр ғайрат билан иштирок этмоқда. Улар 10 кун мобайнида Хотхань тўғони қурилишида дастлабки ишларни тугатдилар. Бу тўғон ёрдамида бир минг гектарга яқин шолипояни сугориш мумкин бўлади. Бажарилган ишларнинг умумий ҳажми — 32 минг куб метр тупроқ ва тоғ жинсларидан иборат. Бўлажак «ўн тонналик далаларга» сув яхши келишини таъминлаш учун Кимлиен—Намлинь каналлари системаси тартибга келтирилди ҳамда яхшиланди. Бомбардимон натижасида шикастланган дамбаларни мустаҳкамлаш учун ёш кўнгиллилар беш минг куб метрдан ортиқ тупроқ ташкилдилар.

(ТАСС).

СУРИЯДАГИ САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ

ДАМАШҚ, 28 май. (ТАСС). Сурия конун чиқарувчи олий орган — Халқ Кенгашига ўтказилган сайловда жами сайловчиларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи тараққийпарвар халқ фронтининг номзодлари учун овоз берганлиги шу фронтнинг зўр галабаси бўлди.

Халқ Кенгашининг янги составига сайланган депутатлар орасидан Сурия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Холид Бағдош, Сурия ҳукуматининг бошлиғи Маҳмуд ал-Айюбий, Халқ Кенгашининг собиқ раиси Фаҳим ал-Юсуфий, Сурия ишчи касаба союзлари умумий федерациясининг раиси Маҳмуд Ҳадид ҳамда мамлакатнинг бошқа таниқли сиёсий ва давлат арбоблари бор.

Ички ишлар министри Али Заза сайлов натижаларини таърифлаб айтдики, бу сайловнинг муваффақиятли якунланганлиги Сурия халқининг яна бир муҳим муваффақияти бўлди. Сурия халқи овоз беришда қатнашиш билан бирга араб миллатга олдида турган озодлик ва социалистик жамият асосларини қуриш мақсадларига эришиш йўлидаги курашни давом эттиришга бел боғлаганлигини изҳор этди, деб таъкидлади у.

Айни вақтда ички ишлар министри шуни маълум қилдики, Халаб вилоятидаги сайлов участкаларидан бирида овоз беришда бир қанча хатоларга йўл қўйилганлиги сабабли у ерда қайтадан сайлов ўтказилади.

Тинчлик манфаатлари йўлида

«Ташсельмаш» заводи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози ва республика меҳнаткашларининг бошқа кўлгина коллективлари Совет—Покистон маданий алоқалар жамияти Ўзбекистон бўлимининг аъзолари бўлиб қолдилар. Ана шу жамоат ташкилотининг 28 май куни Тошкентда бўлиб ўтган республика конференциясида ташкилот қилаётган анчагина ишлар тўғрисида гапирилди. Бўлим правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Е. Ҳ. Тўрақулов ҳисобот доклади қилди.

Конференция иштирокчилари республика меҳнаткашларининг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида Покистон халқлари билан дўстона алоқаларни бундан бўён ҳам ривожлантиришга интилаётганликларини айтдилар. Бўлим правлениеси ва жамиятининг Бутуниттифоқ конференциясига делегат сайланди. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ТАШАББУС БОШЛАНДИ-Ю...»

Газетамизнинг 28 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақола юзасидан қуйидаги жавоблар олинди:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ

Мақолада Марғилондаги «Атлас» фирмасини реконструкциялашнинг нормал давом эттирилишига тўсқинлик қилаётган камчиликлар тўғри очиб берилган. Ҳозирги вақтда объектда қурилиш-монтаж ишлари планини бажариш соҳасида ҳақиқатан оғир аҳвол юз берди. Бунга, қурувчиларнинг нўноқлиги билан бир қаторда, қурилиш металл билан етарли миқдорда таъминланмаётгани ва буюртмачи — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли «Атлас» фирмаси қурилишининг дирекцияси бош корпуснинг осма шипини қуриш билан боғлиқ бўлган муҳим техник масалани ҳал қилишни ҳаддан ташқари чўзиб юборгани, қурилишни кабель маҳсулотлари, технологик ускунасининг айрим турлари, арматура билан етарли таъминламагани, айрим объектлар қурилиладиган жойдаги биноларни ўз вақтида бузмагани ҳам сабаб бўлди.

Министрлик коллегияси «Атлас» фирмасини реконструкциялашнинг муҳим аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб, бу ишни амалга ошираётган 14- қурилиш трестини қурилиш материаллари билан таминлаш масаласини алоҳида муҳокама қилди ва 1973 йилнинг иккинчи ярми фонди ҳисобидан кўпроқ миқдорда металл прокатлари ҳамда ёғоч-тахта етказиб беришга қарор қилди. Трест раҳбарларига объект қурилиши қонунларсиз олиб борилаётгани кўрсатилди. Улардан йилнинг биринчи ярми учун белгиланган қурилиш-монтаж ишлари планини бажариш учун барча зарур чораларни кўриш таклаб этилди.

Айни вақтда қурилиш-монтаж ишларининг сурътини тезлаштириш учун буюртмачи қозонхона қурилиладиган, электр кабеллари кўмиладиган, канализация ва иссиқлик тармоқлари ўтказиладиган жойлардаги бинолари бузиши ҳамда қурилиш учун жой очиб бериши қурилишни ускуналар, махсус материаллар билан таъминлашни яхшилаши ва ўзига боғлиқ бўлган бошқа масалаларни тезлик билан ҳал этиши зарур.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Газета мақоласида «Атлас» фирмасини реконструкциялаш соҳасида юз берган аҳвол тўғри акс эттирилган. Қурилиш-монтаж ишлари бўйича ўтган йил учун белгиланган план бажарилмаган эди. Лекин объектдаги аҳвол бу йил ҳам ўзгармади. Шу йилнинг тўрт ойи учун белгиланган план бажарилмай қолди, 1 миллион 954 минг сўм ўрнига 895 минг сўм капитал маблағ ўзлаштирилди.

Бу билан «Атлас» фирмасини реконструкциялашнинг секин бораётгани учун фақат пудратчи айбдор демоқчи эмасмиз. Айбнинг бир қисми республика Енгил саноат министрлигига қарашли бўлган буюртмачи «Атлас» фирмаси қурилишининг дирекцияси зиммасига тушишини тан олиш керак. Мақолада буюртмачи йўл қўйган камчиликлар тўғри кўрсатилган. Ҳақиқатан трансформатор подстанциялари, кабель маҳсулотлари, арматуралар вақтида етказиб берилмади. Бу каби аҳвол қисман ҳозир ҳам давом этмоқда.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Қурилиш, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрликлари ҳамда «Ўзкомплектоборудование» «Атлас» фирмасини реконструкциялаш сурътини тезлаштириш масаласини биргаликда муҳокама қилиб, қурилиш-монтаж ишлари планини бажаришга қаратилган зарур тадбирлар белгиладилар.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ПАРИЖ, 28 май. (ТАСС). Парижнинг Бурже аэропортида очилган авиация ва космонавтика халқаро салонида шу кунларда намойиш қилинаётган совет экспонатлари ва Совет—Америка қўшма павильони виставкани келиб кўрувчи юз минглаб томошабинларнинг диққат марказида турибди. Совет—Америка қўшма павильонида «Союз» ва «Аполлон» космик кемалари туташтирилган ҳолда намойиш қилинмоқда. «Бу павильон салонининг барча томошабинларини ўзига тортувчи асосий пункт бўлиб қолди», — деб таъкидлайди Франс Пресс агентлигининг илмий шарҳчиси.

«Космик поезд» ва кўплаб ишлаб чиқарилаётган товушдан тез учар «ТУ-144» пассажир самолёти салоннинг ҳақиқий «юлдузлари» бўлди. «ТУ-144» самолёти олдида доимо юзлаб кишини учратиш мумкин. Улар қудратли ҳаво кемасидан ҳайратланаётганликларини яширмайдилар.

«ИЛ-62М», «ТУ-154», «ТУ-134», «АН-26», «ЯК-40» самолётлари, вертолётлар, космик фазони тинч мақсадларда ўзлаштириш соҳасида СССР эришган ютуқлар намойиш қилинаётган «Космос» павильони томошабинларда катта қизиқиш тугдирмоқда.

СССР ДАРЁ ФЛОТИ УЧУН

БЕРЛИН. Шверин округининг Бойценбург шаҳридаги кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқи учун дарёда қатновчи пассажир теплоходи қуришга киришилди. Унда айни вақтда сафар қиладиган 360 пассажир бир, икки ва уч ўринлик каюталарда жойлашади. Кемада музика ва рақс салонлари, ресторан, фотолаборатория, сартарошхона бўлади.

Дарёларда юк ташийдиган кемалар қуришга ихтисослаштирилаётган Бойценбург кемасозлик корхонасида энди биринчи пассажир теплоходи ясалди. Унинг лойиҳасини Совет Иттифоқи ва ГДР мутахассислари ишлаб беришди. Иккала мамлакат мутахассисларининг биргаликдаги куч-ғайратлари туфайли лойиҳалаш муддатлари деярли бир йил қисқарди.

(ТАСС).

ҚАМОҚҚА ОЛИШ КУЧАЙМОҚДА

ДАМАШҚ, 28 май. (ТАСС). Исроил маъмурлари сўнгги вақтларда арабларнинг босиб олинган ғарб секторидаги фаластин ҳочоқлари лагерларида кўп кишиларни қамоққа олди.

Фаластин информация агентлигининг хабар беришича, неча йиллаб кишилар қамоққа ташланган. Улар оккупацион маъмурларга қарши қаратилган фаолиятда, жумладан, араб аҳолисини агрессор билан курашга даъват этувчи варақалар тарқатишда айбланмоқдалар.

ШРИ ЛАНКА РЕСПУБЛИКАСИ. Кокос ёнғоғи мамлакатнинг асосий бойликларидан биридир. Уни ҳаётнинг рамзида «ҳаёт дарахти» деб аташади. Кокос ёнғоғи орол аҳолисини боқади. Деҳқонлар ёнғоқ ҳосилининг бир қисмини қайта ишлаш учун топширишади. Суратда: фабрика йўлида.

М. Озеров фотоси, (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ТОКИО. Японияндаги Америка ҳарбий-денгиз базаларида одатдагидек иш активлик кузатилмоқда. Киода Цусин агентлигининг хабар беришича, Сасэбога «Куллет» ва «Жозеф Страусс» эскадра миноносеци, шунингдек «Хэйленала» таъминот транспорти келди. АҚШнинг бошқа бир қанча жанговар кемаси бу портга ўтган шанба куни келган эди. Иокосука портида «Корал Си» авианосеци турибди.

Сасэбо ва Иокосука аҳолиси, Японияннинг касаба союз ва оммавий ташкилотлари АҚШ 7-флоти кемалари Япония портларидан фойдаланишига қарши норозилик ҳаракатларини авж олдирмоқдалар.

◆ ВАРШАВА. ПХР Сейми президиумининг таклифига биноан ЧССР федерал мажлиси делегацияси расмий визит билан Варшавага келди. Делегацияга ЧССР федерал мажлисининг раиси, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Алоиз Индра бошчилик қилмоқда. Делегациянинг визити программасида парламент иши тажрибасини айирбошлаш, ПХР партия ва давлат раҳбарлари билан учрашувлар бор.

◆ ДУБЛИН. Дублин ва Корида такси шоферларининг 24 соатлик умумий забастовкаси бошланди. Забастовкада 1600 дан ортиқ киши қатнашмоқда. Иш ташловчилар меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар. (ТАСС).

Совет киниси чет элда

ЯХШИ ХОТИРА

Жўнаш учун ҳамма нарса тахт. Чамадонлар, пакетлар... Деярли унча нарса олмаган бўлсак ҳам юк анча-мунча бўлиб қолибди. Донецкда қариндош-уруғу ошнаоғайинилар оз дейсизми? Уларнинг ҳар бири учун Болгариядан эсдалик сифатида бирор ёдгорлик олинди.

Ҳамма нарса тахт. Уларни Софияга олиб борадиган машина эшик олдига келиб тўхтади. Яна бироздан кейин улар бу уйдан анча узоқда бўлишади...

Уй! Улар бир-бирига қараб олишди. Қандай латофатли бу уй деган сўз. Уй... Ҳа, улар Родопада жойлашган болгар шаҳарчаси Мадандаги бу шинам уйчага қанчалик ўрганишган эди. Уларнинг бу ерга келганига икки йилдан бироз ошди. Ана шу давр ичида Леонид Дмитриевич Мурашко ва унинг рафиқаси Люба бу ерда уларнинг хотирасида мангу сақланиб қоладиган жуда кўп нарсаларни кўришди.

Леонид Болгарияга «Горубсо» бирлашмасининг чуқур шахталарида автоматлашган подъёмникларни ўрнатиш ва монтаж қилиш учун келган эди. Бу машиналар Украина комсомоли 15 йиллиги номидаги Донецк машинасозлик заводида тайёрланади. Леонид Мурашко ана шу заводда катта инженер-конструктор бўлиб ишлайди. Октябрь байрамида Леонид билан Люба Софиядаги 9 сентябрь майдонидаги мехмонлар учун ажратилган минбарда эдилар. Улар болгарларнинг рус большевиклари рус пролетариати жасоратидан чексиз қувонишаётганини ҳаяжон билан кўрдилар. Рус пролетариатининг бу жасорати Болгариянинг коммунистлари, ишчилар синфи учун чинакам намуна бўлиб хизмат қилди. Совет мутахассислари ўз байрамларини чет элда ҳам худди ўз уйларидагидек кутиб олдилар.

«Горубсо» бирлашмасининг кўп қаватли маъмурий биноси ўшанда энди қурилаётган эди. Унинг пештоқига: «Горубсо» болгар — совет дўстлиги меваси» деган шиор ёзилган алвон осилган. Қурилишда Леонидни жуда илиқ кутиб олишди. Аввалига унинг ёшлигини кўриб ҳайрон қолишди. Лекин унинг билими ва тажрибасига тан беришга мажбур бўлишди... «Петровица» конидаги кўтариш машинасининг беш тонналик генератори ремонт талаб бўлиб қолди. Ремонт қилиш учун уни тўхтатиш керак эди. Унинг ўрнига ўрнатиш учун бошқа генератор йўқ эди. Мурашко иншоотни айланиб чиқди, ҳисоблаб-китоб қилиб кўрди ва болгар дўстларига қараб:

— Бўлади, — деди.

— Нима бўлади? — ҳайрон бўлишди машинистлар.

— Подъемникни тўхтатмаймиз. Генераторни камроқ қувватда ишлатамиз...

У айтганидай қилди. Мана орадан икки йил ўтди. Генератор бўлса, гўё ҳеч нарса бўлмагандай ишлаб турибди. «Рудоремонт» шахтасидаги кўтаргич машинани ўрнатишда-чи? Болгарияда биринчи тўла автоматлашган кўтаргич машина! Бошқарув пультида ўтириб тугмачани босавер. Фақат иур ва товуш сигналлари диққат билан кузатилса бас, қимматбаҳо маъдан билан тўлган вагончалар бирин-кетин кўтарилаверади. Ўшанда Мурашко қанчалар тер тўкқан эди. Болгар мутахассисларига ўз касбини ўргатишда, шогирдлар тайёрлашда унинг хизматлари айниқса катта бўлди.

— Мен жўнаб кетганимдан кейин, — деди «Горубсо»нинг бош директорига, — бу ерда техникани мендан кам билмайдиган кишилар қолишини истайман. Ана шундан кейингина мен Мадандаги ўз ишимни охирига етказдим деб айта оламан.

Бу унинг шахсий ташаббуси эди. Леонидга иккита хона, ёрдамчилар ажратиб беришди. Инженер Мурашко 8 ой давомида инженер-электрик Иосиф Вильков, электротехникилар Благой Цочев ва Банко Чаликовларни ўқитди. Бундан ташқари подъемникда ишловчи 10 кишини тайёрлади. Уни у бки бу масала бўйича тез-тез маслаҳатга чақириб туришарди. Унинг ёрдами қаерда керак бўлмасин, Леонид ҳамма ерга улгурар эди.

Совет инженери Мурашко Болгарияда ўзидан ажойиб хотира қолдирди...

Х. РОДОПСКИ, болгар журналисти. (АПН).

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Республика пойтахти пионерлари яна қувониб қолишди. В. И. Ленин номидаги Тошкент пионерлар саройи тўкис бинога кўчиб ўтадиган бўлди. Пионерлар саройининг янги биноси «Халқлар дўстлиги» проспекти, Навоий ва Фурқат кўчалари оралиғидаги ям-яшил хиёбонда бунёд этилади.

Ҳозирча пионерлар саройининг лойиҳасини кўздан кечириб кўрайлик. Лойиҳада болалар даргоҳи уч қаватли қилиб қурилиши мўлжалланган. Пионерлар саройининг катта комплексида болалар театри ва ёзги эстрада ҳам бўлади. Спорт иншоотлари, ёш табиатшунослар боғи пионерлар ихтиёрига топширилади.

Пионерлар саройининг биринчи қаватида ёш физиклар, химиклар ва биологлар шуғулланишади. Унинг ёнгинасида «Тирик бурчак» ташкил қилинади. Ана шу қаватда техникавий тўгараклар ҳам ишлаб туради. Иккинчи қаватда ёш астрономлар фаннинг ана шу соҳаси сирлари билан танишадилар. Учинчи қаватда фотостудия ва тасвирий санъат билан шуғулланувчилар машғул бўлишади. Ҳаваскор археологлар учун қатор кабинетлар бериб қўйилади.

Яқин орада янги пионерлар саройи қурилиши бошлаб юборилади.

Тошкентимиз жамоли кундан-кун очилмоқда. Бунёдкорларимиз янги-янги гўзал бинолари қуриб фойдаланишга топширмоқдалар. Суратда: Навоий кўчасида қад ростлаган «Гипроинполиграф» Бутуниттифоқ лойиҳалаш илмий-текшириш институтининг Тошкент филиали биноси.

М. Нуритдинов фотоси.

СПОРТ янгиликлари

СПАРТАКИАДА МУСОБАҚАЛАРИДА

Андижон спорт базаларида республика XVI спартакиадаси мусобақалари давом этмоқда. Қорақалпоғистон АССР, республика областлари ҳамда Тошкент шаҳар терма командаси ўсмир-ёшлари ўзаро куч синашяптилар. Спартакиада программасига кўра ўтказилган чавандозлик мусобақаси мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Спортнинг бу тури бўйича ҳам ҳозирча пешқадам Тошкент шаҳар командаси 194 очко билан биринчи бўлди. От ўйнатиш ва пойга мусобақаларида чаққон чавандоз Сергей Лисициннинг чиқишлари олқишларга сазовор бўлди. Суворий йигит мусобақада ёшлар кубогини қўлга киритди. От ўйнатиш усталаридан Галина Колтун (Тошкент) ҳам совриндор бўлди. Мусобакада иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент области ҳамда Сурхондарё области вакилларига берилди.

Спартакиада голиби бўлиш учун кураш қўл тўпи ўйинлари иштирокчилари ўртасида ҳам давом этди. Бу мусобақада тошкентликлар пешқадам бўлишди. Пойтахтлик қизлар Қорақалпоғистон АССР, Тошкент области ва Самарқанд области терма командаси вакилларини маглубиятга учратдилар. Тошкентлик ўсмирлар ҳам бўш келишмади. Улар қашқадарёлик, андижонлик ва самарқандлик тенгқурларн устидан голиб келишди.

Волейбол майдончаларида ўсмирлар ва қизлар мусобақалашишди. Қизлар командаларининг ўзаро олишувларида кетма-кетига галабани қўлга киритган тошкентликлар байроқдор бўлишди. Тошкентлик ўсмирлар эса командадош қизлар ютуғини қувватладилар.

Умум команда ҳисобида спартакиада голиби бўлиш учун астойдил ҳаракат қилаётган тошкентлик йигит-қизлар 377 очко жамғариб, ўз мавқеларини мустаҳкамлаб туришибди. Тошкент области ва Бухоро области терма командалари 248, 226 очко билан биринчи ўринга даъвогарлик қиляптилар.

АЁЛЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Тошкентдаги шахмат-шашка клубида ўтказилаётган республика XXXI чемпионати мусобақалари охирлаб қолди. Шахмат бўйича аёллар ўртасида давом этаётган мусобақаларнинг 11-турида В. Борисенко биринчи разрядли шахматчи Ф. Ботировани маглубиятга учратди. Мастерликка номзод Л. Пинчукни дуғонаси Н. Рубинчик ютди. 9,5 очко жамғарган Л. Пинчук олдинда бормоқда.

КУМУШ МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

ГДРда 26-жаҳон чемпионати туғади. Бир неча кун давом этган кўп босқичли велосипед пойгаси голиблари аниқланди. Мусобақада польшалик спортчилар олтин медалли бўлишди. Совет велосипедчилари пойгада тўлиқ составда куч синаша олмадилар. Команда аъзоларидан куйбишевлик А. Гуслятников билан тошкентлик А. Юдинлар кутилмаганда шинаслаб, ўйиндан чиқиб қолишди. Шунга қараман, командамиз жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори бўлди.

Кузатиш

ЯНГИ АНЪАНАЛАР, МАРОСИМЛАР

Шу кунларда шаҳар ва қишлоқларимизда карнай, сурнайлар янграмоқда. Пахтакорлар ва чўпонлар, кимёгарлар ва металлургглар, қурувчилар ва тўқимачиларнинг фарзандлари, набиралари армия сафида хизмат қилишга кетмоқдалар.

Яқингинада туғилган гўдаклар бугун новдадек йигит бўлиб қолганини ўйласанг, ҳаяжонланасан киши. Улар ёдгорликлар ва обелисклар олдида туриб жиддий қиёфада она-Ватанга садқат тўғрисида қасамёд қилишини кўрганда, қалбинг қувонч ва ифтихор ҳисларига тўлиб-тошади.

Бугунги кунда солдатлик қиймини қиядиган ёшлар олдида масъулиятли вазифа турибди. Улар кўп миллатли Ватанимиз халқлари тинчлигини, муқаддас сарҳадларимизнинг дахлсизлигини ўз жанговар постларида ҳушёр туриб кўриқлашлари, ота-боболаримизнинг жасоратига содиқ бўлишлари, анъаналарини давом эттиришлари даркор.

Совет Ўзбекистонининг ўғлонлари Улуғ Ватан уруши йилларида фашист босқинчилари билан қаҳрамонона ва мардонавор курашдилар. Республикамиздан армия сафига чақирилган ўн минглаб жангчилар орден ва медаллар билан мукофотландилар. 33 киши Шуҳрат орденларининг тўла кавалери бўлди, ўзбекистонлик 281 жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди.

Ёшларимиз — қаҳрамонона ўтмишнинг меросхўри. Усиб келаётган ёш авлод социалистик давлатимизнинг шонли тарихини яхши билиши лозим. Шунинг учун ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда. 1967 йилда СССР Олий Совети сессиясида қабул қилинган умумий мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонун ёшларни армияда хизмат қилишга тайёрлаш соҳасида муҳим талаблар қўйди. Бугун оммавий мудофаа иши қайта қурилди.

Ҳозирги кунда армия, авиация ва флот замонавий қурол-яроғлар билан таъминланган. Бу эса ёшларимиздан мураккаб жанговар техникани қунт билан эгаллаш, ҳарбий билимни пухта ўрганиш учун чидам билан меҳнат қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам КПСС Программасида, КПСС XXIV съезди қарорларида, ДОСААФнинг VII съездида, яқинда бўлиб ўтган Бутунармия партия ташкилотлари секретарларининг кенгаши ҳужжатларида мамлакатимизда мудофаа қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлаш проблемалари ишлаб чиқилди. Армия хизматига жисмоний жиҳатдангина эмас, маънавий-сиёсий ва психологик жиҳатдан ҳам тайёрлаш лозимлиги алохида таъкидланди. Республика ДОСААФ ташкилотлари партия ва совет органлари, ҳарбий комиссариатлар раҳбарлигида ўз ишини ана шу талаблар асосида олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистондан чақирилаётган ёшларнинг билим доираси юқорилиги айниқса қувончли. Агар 1971 йилда ўрта ва олий маълумотли чақирилувчилар 74 процентни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу рақам 81 процентни ташкил этди. Армия сафига чақирилгунга қадар у ёки бу ҳарбий техника билимига эга бўлган, янги ГТО комплекси ва ягона Бутуниттифоқ спорт классификацияси бўйича разряд нормативларини топширган йигитлар сони кўпайди.

Бу йил ҳам олдинги йиллардаги каби Фарғона область ДОСААФ жамияти ташкилотлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, ҳарбий комиссариатлари ёшларни Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотида хизмат қилишга тайёрлашда алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Айниқса маҳаллий Советларнинг мактаблар, халқ маорифи органлари, колхоз ва совхозлар, корхоналар, қурилишлар, ўқув юртларининг раҳбарлари бу муҳим ишда фаол иштирок этмоқдалар. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидан армияга боравётган ёшлар жисмонан чиниққан, спорт-техника секцияларида меҳнатларча отишни ўрганган классли мутахассислардир. Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли колхозда ва 47-мактабда ҳам ҳарбий ватанпарварлик иши яхши йўлга қўйилган. Фарғона районидаги «Коммунизм» колхозида ишлаб турган жанговар шуҳрат музейида Улуғ Ватан урушига доир муқаддас ҳужжатлар сақланмоқда. Фарғона автомотоклубида сиёсий-тарбиявий ишлар юксак даражада ўтказиляпти. Фарғона областига яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил Байроғи берилганлигининг боиси ана шунда. Фарғона область ДОСААФ комитети эса республика мудофаа жамиятлари ташкилотлари орасида ўтказилган социалистик мусобақа голиби бўлди.

Тошкентда, Андижон ва Самарқанд областларида ҳам ҳарбий-ватанпарварлик иши яхшиланмоқда. Пойтахтимиздаги республика денгиз клуби фаолияти тўғрисида илиқ гаплар айтиш мумкин. Яқинда денгиз клубига Тинч океан қирғоқларидан хат келди. Унда кема командири биринчи класс денгизчи мутахассис Тоҳир Абдураҳмоновни тарбиялаганликлари учун клубнинг старший инструктори А. Деҳқонов, ўқитувчи-инструкторлардан О. Кухарский, В. Скалуцкий, инструктор З. Саликовларга чин юрақдан миннатдорчилик билдирилган. Кора денгиз флотидан ҳам клуб талабалари тўғрисида самимий сўзлар ёзилган хатлар келиб турибди.

Янгийўл, Чирчиқ, Каттақўрғон шаҳарларидаги автомотоклублар, Самарқанд радиоклуби ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. Лекин шунга қарамасдан, республика ҳарбий комиссариатларида, ДОСААФ ташкилотларида ёшларни Совет Қуролли Кучлари сафига тайёрлаш иши ҳамма ерда яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Республикамиз ёшларини Совет Армияси сафида хизмат қилишга тайёрлаш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Чунончи, Тошкентдаги «Узбексельмаш» заводида бу ишга етарли эътибор берилмаётир. Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё областларида, Қорақалпоғистон АССРда ҳам бу соҳадаги ишларга етарли эътибор берилмаётганлигини кўрсатувчи баъзи фактларни учратиш мумкин. Чунончи, Урганч ва Нукусда шу кунгача алоқачилар тайёрлаш иши йўлга қўйилмаган. Республикамиз қишлоқ районларида ҳарбий спорт ишлари талабга жавоб бермайди.

...Шу кунларда республикамиз меҳнаткаш-лари ўз фарзандларини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга қузатмоқдалар. Ота-оналар, оқсоқоллар, Улуғ Ватан уруши ветеранлари ёшларга наказ бермоқдалар. Улар ёшларга она-Ватанимиз дахлсизлигини ўз постларида ҳушёр туриб қўриқлашни, халққа, партияга садоқат билан хизмат қилишни ўқитирмоқдалар.

Полковник В. СТАРОДУБОВ,
Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитети аъзоси, республика ҳарбий комиссариати сиёсий бўлимининг бошлиғи.

УСТА

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

Амалий санъатимиз анъаналарини чуқур ўрганиб, уни мукаммаллаштиришга ҳисса қўшаётганлар оз эмас. Шулардан бири билан қадрдонман. У ҳақда ёзиш менга заҳ бағишлайди.

...Муҳиддин ўсаётган ҳонадонда, шаҳар усталари тез-тез гурунг қуриб туришарди. Эндигина лой ўйинчоқларга қўл ура бошлаган йигитчанинг ўй-фикрлари ҳунармандлар суҳбатидан баҳра олди. Кулолчилик санъатига, сержилва буюмлар ясашга ҳавас уйғотди.

Муҳиддин Раҳимовнинг санъати ҳам кўпгина ҳунар эгалари қатори Октябрь инқилобидан кейин ардоқланди. У аввал Тошкент бадиий ҳунармандчилик мактабининг сополсозлик бўлимида билим олди. Кейин ўқувчи йигит меҳри тушиб қолган ҳунар сирасрорларини пухтарок эгаллашга берилди. Шогирд сифатида сополсозлик технологиясини ҳавас билан эгаллади. Бу борада унга таниқли рус профессори А. Филиппов раҳнамолик қилди. Москвадаги селикат илмий-тадқиқот институтида ўрганганларини Ленинград керамика институтида амалда синаш билан пухталаштирди.

Муҳиддин энди фан кандидати, санъатшунос, Ўзбекистон ССР халқ рассоми унвонига лойиқ кўрилган. Республика ва Иттифоқ миқёсида, халқ амалий санъати бўйича ташкил қилинадиган халқаро кўргазмаларда уста Муҳиддиннинг қўлидан чиққан буюмлар мухлисларни ром этиб келяпти. У яратган гўзал, турли рангларда сайқал топган сополидишлар Тошкент, Ленинград ва Москва музейларида сақланмоқда.

Тошкентнинг Оқлон маҳалласидаги кўркамгина уйга тез-тез меҳмонлар келиб туришади. Улар машҳур устанинг ижодий лабораторияси билан, иш тажрибаси билан яқиндан танишишади, фикр олишишади. Халқ устаси ҳузурига ташриф буюрувчилар орасида мамлакатимизнинг турли шаҳарлари рассомлари, маданият ходимлари, санъатшунослари ҳам бор.

Уста ижодида икки йўналиш мавжуд: бир томондан, ота-боболар анъанасини давом эттириш бўлса, иккинчиси, сополсозликка замонавий руҳ киритиш. Муҳиддин кейинги пайтлар қадимий гумбазларнинг ялтираб турган кошинлари нима сабабдан нурашига қизиқиб қолди.

Унинг кошинлар юзига бериладиган суюқликнинг совуқ писанд қилмайдиган таркибини топганлиги бинокорлик тажрибасида жуда кўл келяпти.

Яқинда Муҳиддин тажриба тариқасида сополнинг Қува, Марв ва Тошкент кулолчилари анъанасига хос янги намунасини яратди. Кўпгина изланишлар асосида юзага келаётган бу маҳсулотни Тошкент керамика заводида ишлаб чиқариша қўйишилди. Янги маҳсулот замонавий биноларимизга сайқал бериб, ўзбек меъморчилиги тарихини эслатиб турса ажабмас.

О. АПУХТИН,
санъатшунос.

АСРЛАР ОША

ҚАДИМГИ ОДАМ ИЗЛАРИ

Бундан неча юз минг йиллар аввал Мангишлоқ чўлида одамлар яшаган. Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг олимлари шундай хулосага келишди. Улар республиканинг ғарбидаги Жилбарсой водийсидаги қадимги одам масканларини ўрганиб чиқишди. Археологлар тошболта, искана ва бошқа буюмлар топишди.

Водийдаги ётқизиқларнинг геологик хусусиятлари шу иш қуролларн ясалганига ярим миллион йилдан ошганлигини аниқлашга имкон берди. Шуларга асосан Мангишлоқ маскани Қозоғистон территориясидаги қадимги кишиларнинг энг аввалги излари қаторига киритилди.

В. ГАНЖА,
Олмаота.

«ШАЙТОН ТУМШУҚ»

Ей ўқи сингари чўзиқ бўлиб, Онега кўлининг сувига ярим километрча кириб борган гранит бурун «шайтон тумшуқ» деган қўрқинчли ном билан аталади. Уни бемалол қадимги кишиларнинг китоби деб айтиш мумкин. Бу кишилар Карелиянинг жанубида бундан тўрт минг йил аввал-неолит даврида яшаганлар. Мана шу «китобда» одам, хайвонот, парранда, қайиқ, иш қуроли тасвирлари тушурилган 550 тадан ошиқ расм бор.

Қоятошларга ишланган расмлар — петроглифлар неолит даврида яшаган кишиларнинг меҳнати ва турмуши тўғрисида маълумотлар беради. Петроглиф қаҳрамонлари сакрашга тайёрланишяпти, йайза-ввал уриб айиқ ёки кийикни йиқитишяпти, найза уриб балиқ тутишяпти. Ов ва балиқ тутиш эпизодлари орасида афсонавий қуш ва ҳайвонларнинг тасвирлари бор.

Уч ўлкан шакл калтакесак, налим балиғи ва аллақандай ғалати мавжудот тасвири айниқса қизиқарлидир. Қиска эгри оёқли, бармоқлари турли томонга тарвақайлаган бу мудхиш мавжудод «шайтон»нинг ўзидир!

Н. МИЛОН,
Петрозаводск.

ЭСКИ ШАҲАР ОСТИДА

Шаҳар эски қисмининг марказий майдонини реставрация қилаётган экскаваторчилар бир ярим метр чуқурликда қадимги бир деворга дуч келишди. Бундаа кейинги ишларни археологлар давом эттиришди. Улар мум пиширадиган 8 та ўчоқ очишди. Олимлар булар XIV—XV асрларга оид мумпазлик эканлигини аниқлашди.

— Совет Иттифоқи Европа қисмидан биринчи марта шунақа нарсалар топилди, — деди Каунаснинг бош археологи Т. Мякас. — Булар балт қабилаларининг асосий экспорт маҳсулоти мум бўлганлиги тўғрисида йилномаларда ёзилган гапларнинг тўғрилигини тасдиқлади. Ҳар бирининг диаметри бир метрдан ошадиган қозонлар қадимги савдо-сотиқ маркази бўлмиш Каунасда четга чиқарилувчи мумнинг асосий қисми пиширилганлигидан далолат беради. Бу ерда мум елканли кемаларга ортишга қулай қилиб қолипланиб, кемалар Балтика денгизидан Неман дарёси орқали Каунасгача келган.

Қадимги мумпазлик реставрация қилингач, уни сайёҳлар кўришлари мумкин.

Г. ЛАБАНАУСКАС,
(ТАСС).

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30— ТОШКЕНТ. 18.40 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.20 — **Едгор** (адабий театр). 19.50 — Ахборот. 20.10 — Совет тинчлик программаси — амалда. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Диққат, стартга! ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.25 — ТОШКЕНТ. 10.30 — **Тиканли қалъа** (бадиий фильмнинг 5-серияси). 11.00 — **Менинг дўстим Колька** (бадиий фильм). 12.30—МОСКВА. 17.35 — Янгиликлар. 17.45 — Қизиқувчилар турнири. 18.30 — Концерт. 19.25 — Ўқув кўрсатуви. 20.25 — **Уй вазифасини олган киши** (бадиий фильм). 22.00 — Беш йиллиннинг ҳал қилувчи учинчи йили. 22.30 — «Останкино» концерт студияси саҳнасида. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Икки дил достони** (бадиий фильм). 20.40 — Фильм-концерт. 21.00 — **Майор Бўрон** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—30/IV да **Лайли ва Мажнун.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Помпеянинг сўнгги кунлари, Сервиқор оилалар — САНЪАТ САРОЙИ, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруғ). «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз соат 2, 5, кеч соат 8 да).

Ёз ўйнолари: Музикали воқеалар — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруғ), «МОСКВА» (кундуз соат 2.30, кеч соат 8.30 минутда).

Ёз ўйнолари (тоқ соатларда), **Қора лола** (жуфт соатларда) — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқуруғ).

Ромео ва Жульетта (кундуз соат 12.30, 4.30, кеч соат 8.45 минутда); **Тунги воқеа** (эрталаб соат 11, кундуз соат 3, кеч соат 7 да) «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ».

А. С. ПУШКИН НОМЛИ ВОГДА
2, 3 июнда

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИ АНСАМБЛИНИНГ

ҚАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳолисхон ҚОДИРОВА.

СОЛИСТЛАР — А. АҲМАДИ, М. ҲОШИМОВА, Т. МИРВАЛИЕВА, С. ТУЛАГАНОВ, О. ҲАСАНОВА, А. АБДУАЛИЕВ, Ҳ. АЗИЗОВА, Қ. УМАРОВА, Р. ҲОШИМОВА, Ж. ҲИЛОМОВ, С. РОЗОМОВ, Э. ЮНУСОВлар.

Музика раҳбари О. МУҲАМЕДОВ.

Ўйинларни саҳналаштирувчи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Дилором ШЕРОВА.**

Ансамблнинг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССР халқ артисти **Ғ. ТОШМАТОВ.**

Кеч соат 8.30 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
1973—1974 ўқув йилига

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Факультетлар: даволаш, санитария-гигиена ва стоматология.

Даволаш, санитария-гигиена факультетларида ўқиш муддати — 6 йил, стоматология факультетида ўқиш муддати — 5 йил.

Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача, қабул қилиш 21 августдан 25 августгача ўтказилади.

Ариза институт ректори номига ёзилади.

Аризага етуклик аттестати ёки ўрта ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги диплом (асл нусхаси), сўнгги ўқиш, иш ёки хизмат жойидан характеристика, 3х4 см ҳажмдаги 5 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси қўшиб топширилади. Бузардан ташқари иш стажига эга бўлганлар меҳнат дафтарчасини ёки унинг нусхасаси ва корхона раҳбарлари томонидан тасдиқланган нусхасини топширадилар.

Ҳужжатлар топширилаётганда паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Институтга кирувчилар — физикадан (оғзаки ёки ёзма), химиядан (оғзаки), биологиядан (оғзаки) она тили ва адабиётдан (ёзма) имтиҳон топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 103-уй.

СССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИНИНГ
ЎРТА ОСИЕ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

2-госпитал педиатрия кафедрасининг профессори;

физиотерапия (даволаш физкультураси билан) бўйича доцентлик курсининг мудири;

кафедралар доцентлари: КПСС тарихи ва сиёсий иқтисод (сиёсий иқтисод курси), философия ва илмий коммунизм (илмий коммунизм курси);

кафедралар катта ўқитувчилари: КПСС ва сиёсий иқтисод (сиёсий иқтисод курси бўйича), нормал анатомия, биохимия, биология, жисмоний тарбия, граждан мудофаси ва граждан мудофаасида медицина хизмати, тиллар;

кафедралар ассистентлари: КПСС тарихи ва сиёсий иқтисод, философия ва илмий коммунизм, нормал анатомия (5 ўрин), физика, аналитик ва анорганик химия (2), органик химия, биохимия, биология, гистология (2), болалар сил касали;

кафедралар ўқитувчилари: жисмоний тарбия (5), тиллар (5).

Москва, Ленинград шаҳарларида қуйидаги мутахассисликлар бўйича целевой аспирантурага қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари (2), асаб касалликлари, патологик анатомия психиатрия, акушерлик-гинекология;

қуйидаги мутахассисликлар бўйича сиртқи аспирантурага: анатомия, патологик анатомия, ички касалликлар (2), болалар касалликлари (2), фтизиатрия.

Мурожаат учун адрес: 700140, Тошкент шаҳар, Чермет кўчаси, 103-уй.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИНИНГ
Т. Н. ҚОРИ-НИЯЗИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
1973 йилдаги аспирантурага қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

педагогика назарияси ва тарихи (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда); ўзбек мактабларида рус тили ўқитиш методикаси, химия ўқитиш методикаси, география ўқитиш методикаси, математика ўқитиш методикаси (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда); болалар психологияси ва педагогика психологияси бўйича (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда).

Ҳужжатлар 1973 йил 1 июлгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 сентябрдан.

Аспирантурага кирувчилар махсус фандан КПСС тарихи ва чет тиллар (немис тили, инглиз тили, француз тили)нинг биридан конкурс имтиҳонлари ҳамда мутахассислик фани бўйича реферат топширадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент-3, Олмазор кўчаси 174-уй.

ТОШКЕНТ 22-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1973—1974 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти — Тошкент шаҳридаги қурилишларида ишлаш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: плиткачи — мозаикачи, сувоқчи, дурадгор, бўёқчи (ўқиш муддати — бир йил), сувоқчи — бўёқчи (2 йил).

Ўқишга 8-10 синф ҳақимда маълумотга эга бўлган 14 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Ўқувчилар ётоқхона, кунига уч маҳал овқат, кийим-бош ва практика даврида пул мукофоти билан таъминланадилар.

Билим юртида кечки мактаб, йўтубхона, спорт секциялари ва турли тўгараклар мавжуд.

Ўқувчилар шаҳарда пропискадан ўтказиладилар.

Кирувчилар: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), 3Х4 сантиметр ҳажмидаги 6 дона фотосуратларни топширишлари лозим.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Астраханский кўчаси, В. Полевой тупиги, 12-уй (5-трамвайнинг «Зелёный базар» бекати).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142 коммутатор — 330249 да, 330258 гача.

Б. — 125. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 02482.